# Муғаллим ҳәм үзликсиз билимлендириў

ISSN 2181-7138

№ 1/1 2022 жыл

Илимий-методикалық журнал

**Редактор:**
*А. Тилегенов*

**Редколлегия ағзалары:**
Мақсет АЙЫМБЕТОВ
Нағмет АЙЫМБЕТОВ
Байрамбай ОТЕМУРАТОВ
Кеңесбай АЛЛАМБЕРГЕНОВ
Алишер АЛЛАМУРАТОВ
Дилшодхўжа АЙТБАЕВ
Өсербай ӘЛЕЎОВ
Асқар ДЖУМАШЕВ
Кеңесбай ДАУЛЕТЯРОВ
Гүлнара ЖУМАШЕВА
Мырзамурат ЖУМАМУРАТОВ
Амангелди КАМАЛОВ
Гулмира КАРЛЫБАЕВА
Асқарбай НИЯЗОВ
Сабит НУРЖАНОВ
Уролбой МИРСАНОВ
Арзы ПАЗЫЛОВ
Зухра СЕИТОВА
Айдын СУЛТАНОВА
Тажибай УТЕБАЕВ
Ризамат ШОДИЕВ
Ойбахор ШАМИЕВА
Бекзод ХОДЖАЕВ
Дўстназар ХИММАТАЛИЕВ
Гулрухсор ЭРГАШЕВА

**Шөлкемлестириўшилер:**
***Қарақалпақстан Республикасы Халық билимлендириў Министрлиги, ӨЗПИИИ Қарақалпақстан филиалы***

**Өзбекстан Республикасы Министрлер Кабинети жанындағы Жоқарғы Аттестация Комиссиясы Президиумының 25.10.2007 жыл (№138) қарары менен дизимге алынды**

**Қарақалпақстан Баспа сөз ҳәм хабар агентлиги тәрепинен 2007-жылы 14-февральдан дизимге алынды №01-044-санлы гуўалық берилген.**

**Мәнзил: Нөкис қаласы, Ерназар Алакөз көшеси №54**
**Тел.: 224-23-00**
**e-mail: uzniipnkkf@umail.uz, mugallim-pednauk@umail.uz**
**www.mugallim-uzliksiz-bilim.uz**

***Журналға келген мақалаларға жуўап қайтарылмайды, журналда жәрияланған мақалалардан алынған үзиндилер «Муғаллим ҳәм үзликсиз билимлендириў» журналынан алынды, деп көрсетилиўи шәрт. Журналға 5-6 бет көлеминдеги материаллар еки интервалда TIMES NEW ROMAN шрифтинде электрон версиясы менен бирге қабыл етиледи. Мақалада келтирилген мағлыўматларға автор жуўапкер.***

# МАЗМУНЫ

## ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ


**Рахмонов А.Р.** Оилада фарзанд тарбиясини йўлга қўйиш асосида миллий ватанпарварлик туйғусини шакллантириш ... 4
**Шерматов М.Н.** Ўқитувчи педагогик маҳорати ва компетентлик ... 7
**Якубова М.Ю.** Умумтаълим мактаблари ўқувчиларида креативликни шакллантириш ... 11
**Байметов М.М.** Ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётлари интеграциясини таъминлашнинг дидактик тамойиллари ... 14
**Балтабоев С. А., Сатторов В.Н.** Талабалар мустақил ишлашини илмий ташкил қилиш ... 18
**Караев В.Ш., Маматқулова З.С.** Ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини аниқлаш ва баҳолаш ... 21
**Сайидова М.Х.** Инновацион педагогик технологиялар асосида ўқитиш - талабаларда умумкасбий билим ва кўникмаларни ривожлантириш омили ... 25
**Нурматов Ф.А.** Таълимнинг мактаб тизимида валеологик тарбияни муаммолари ... 30
**Турсунов А.Э.** Ҳарбий таълим технологиясининг педагогик асослари ... 32
**Халмухамедова М.А.** Нақшбандия тариқати илмий мероси орқали талабаларнинг маънавиятини ошириш ... 36
**Хамидов Ж.А.** Ўқувчиларни креатив тадқиқотчилик ва касбий кўникмаларини танқидий фикрлаш орқали ривожлантириш ... 39
**Чориев И.Р.** Специфика процесса подготовки в современной системе повышения квалификации ... 44


## МИЛЛИЙ ИДЕЯ ҲӘМ РУЎХЫЙЛЫҚ ТИЙКАРЛАРЫ, ТАРИЙХ, ФИЛОСОФИЯ


**Анкабаев Р.Т., Ибрагимов Х.Х.** Тўгарак машғулотларида халқ амалий безак санъати ривожининг педагогик муаммолари тарихидан ... 48


## ФИЗИКА, МАТЕМАТИКА, ИНФОРМАТИКА


**Абдуллаева М.С.** Ўқувчилар касб – ҳунар кўникмаларини ривожлантиришда робототехниканинг ўрни ... 52
**Лухманов Д.Б.** Баркамол авлод болалар мактабларида робототехника, мехатроника, муҳандислик тўгаракларини кластер технологиялари асосида ташкил этиш ... 56


## БАСЛАЎЫШ КЛАСС, МЕКТЕПКЕ ШЕКЕМГИ ТӘРБИЯ


**Шермухамедов Р.С.** "Баркамол авлод" болалар мактабларида тўгараклар фаолиятини ташкил этишнинг иновацион технологиялари ... 62
**Юсупбаева А.С.** Бошланғич синф ўқувчиларини жисмоний ривожланишида ҳаракатли ўйинларни ташкил этиш ... 67

## ФИЗИКАЛЫҚ ТӘРБИЯ ҲӘМ СПОРТ

**Sultonov Z.S.** Maktabda jismoniy tarbiya darslarini oʻtkazish xususiyatlari ........ 72
**Абдулахатов А.Р., Нигматуллаева Д.Р.** Ғолиб ва мағлуб курашчилар мусобақа олди руҳий ҳолати ва техник-тактик маҳорат даражасининг ўзаро алоқадорлиги ........ 75
**Абдулахатов А.Р., Қулбулов Ф.Н.** Спорт умуминсоний қадрият ҳамда тарбия воситаси сифатида ........ 80
**Болтаев Ш.Э.** Ёш волейболчиларни инновацион ёндашув асосида машғулот жараёнини ташкил этиш ........ 87
**Худойберганов Ж.С.** Кураш миллий спорт турини янада оммалаштириш ва ривожлантириш ........ 92
**Жумаев А.Т., Турдиев Ф.А.** Бошланғич синф ўқувчиларида ҳаракатли ўйинларни кластер усулида олиб бориш ........ 95
**Зокиров У.М., Абдуназарова З.А.** Актив ва пассив туризм турлари орқали ўқувчи-ёшларнинг жисмоний фаолиятларини ривожлантириш ........ 100
**Зокиров У.М., Назаров Ф.И.** Ёш волейболчиларнинг жисмоний тайёргарлигини ривожлантиришда ҳаракатли ўйинлардан фойдаланиш ........ 103
**Абдулахатов А.Р., Зулхайдаров Ж.А.** Профессионал футболчиларни жисмоний тайёргарлиги бўйича моделлаштириш меъёрлари ........ 106
**Одилов О.Н.** Жисмоний тарбия таълими жараёнида талабаларда экологик маданиятни ривожлантириш ижтимоий-педагогик зарурият ........ 110
**Султонов А.И.** Йиллик тайёргарлик циклида эркин курашчиларни машғулот жараёнини ташкил этиш ........ 114
**Умаралиева Д.У., Тошқувватов О.А.** Умумий ўрта таълим мактабининиг 7-8 синф ўқувчиларини спорт ўйинлари орқали жисмоний тайёргарликларини ривожлантириш .. 118
**Хабибуллаев С.Х., Джурабоева Д.** Мини футбол бўйича мусобақаларни ўтказишда мусобақа қоидаларининг аҳамияти ........ 122
**Шадиев А.Ё.** Умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларининг тезкор-куч сифатларини амалиётга татбиқ этиш ........ 125
**Утепбергенов А.К., Шукурллаев Ж.М.** Волейбол спорт тури воситасида мактаб ўқувчиларида жисмоний сифатларни ривожлантиришда акмеологик ёндашув ........ 128
**Зуфаров Т.У.** Организация и методы подвижных игр для физического развития детей дошкольного возраста ........ 132
**Маматкулов Р.С.** Значение кластерного метода в развитии физического воспитания студентов с использованием легкоатлетических упражнений ........ 136
**Маматкулов Р.С.** Значение спортивно-оздоровительного кластера в подготовительной части уроках гимнастики ........ 140

Адабиётлар:
1. Н.Н.Азизходжаева Педагогик технология ва педагогик маҳорат. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДПУ, 2003.;
2. Э.А.Сейтхалилов Педагогические основы оздоровительной направленности учебно-воспитательного процесса в общеобразовательных школах Узбекистана. - Автореф. дис.… док.пед.наук. – Ташкент: УзНИИПН, 2000.;
3. Ў.Қ.Толипов ва бошқ. Педагогик технология: назария ва амалиёт. – Т.: Фан, 2005. – 206 б.;
4. Т.С.Усмонхаджаев Научно-педагогические основы физического совершенствования детей в связи с их двигательной активностью (на материалах общеобразовательных школ Узбекистана) - Т., 1995;
5. Ш.С.Шарипов ва бошқ. Касбий таълим педагогикаси. Методик қўлланма. – Т.: ТДПУ, 2005.;
6. Д.Д.Шарипова и др. Использование здоровьесберегающих технологий в системе непрерывного образования в целях духовно-нравственного и культурного развития подрастающего поколения. – Т.: «Fan va texnologiya», 2014.;
7. Ф.Р. Юзликаев Теория и практика интенсификации дидактической подготовки будущего учителя в системе высшего педагогического образования (на материале педагогических дисциплин): Автореф. дисс док. пед. наук. – Т.: 2005.;
8. А.Г.Глазко. Требования к личностным и профессиональным качествам выпускника // Специалист 2003, №7.;
9. Р.Фрейджер. Теории личности и личностный рост [Электронный ресурс]. URL: http://www.gummer.info/bibliotek (дата обращения: 28.09.2012).;
10. И.С.Якиманская. Личностно ориентированное обучение в современной школе.–М., 1996.;
11. П.П.Беленький ва бошқ. Проблемы формирования информационной компетенции студента в вузе. – М., 2004.;

РЕЗЮМЕ

Мақолада ўқитувчиларини педагогик маҳорати замонавий талаблар асосида тайёрлашнинг назарий ва амалий жиҳатлари ёритилган.

РЕЗЮМЕ

В статье теоретические и практические аспекты подготовки преподавателей в области современных требований охватываются в области современных требований.

SUMMARY

The theoretical and practical aspects of training teachers in the field of modern requirements are covered in the field of modern requirements.

# УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИДА КРЕАТИВЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

***Якубова М.Ю.***

*Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти “Спорт ва чақириққача ҳарбий таълим” факультети“ Технологик таълим” кафедраси ўқитувчиси*

**Таянч сўзлар:** креативлик, индивиднинг, омил, муайян фаолият, кўникмаларнинг, меъёрий холат, руҳий барқарор, тахмин-фараз, турли қирралари,  бевосита фикрларни, фикрмулоҳазаларини, иқтидорини, ижодкорлик қобилияти, изчил ривожлантириб.

**Ключевые слова:** креативность, личность, фактор, конкретная деятельность, навыки, нормативное состояние, психическая устойчивость, предположения, различные аспекты, прямое мышление, обратная связь, талант, творческие способности, последовательное развитие.

**Key words:** creativity, personality, factor, specific activity, skills, normative state, mental stability, assumptions, various aspects, direct thinking, feedback, talent, creativity, sequential development.

Замонавий таълим барча турдаги таълим муассасаларида фаолият юритаётган ўқитувчи, педагогларнинг ижодкор бўлишларини тақозо этмоқда. Чунки, бунда, анъанавий педагогик фикрлашдан фарқли равишда таълим ва тарбия жараёнини самарадорлиги таъминлашга хизмат қилувчи янги ғояларни яратиш, шунингдек, умумтаъ-

лим мактаблари ўқувчиларида креативликни шакллантиришни ривожлантиришга хизмат қилади.

Анъанавий педагогик фикрлашдан фарқли равишда таълим ва тарбия жараёнини самарадорлиги таъминлашга хизмат қилувчи янги ғояларни яратиш, шунингдек, умумтаълим мактаблари ўқувчиларида креативликни шакллантиришни ривожлантиришга хизмат қилади.

Креативлик (лот., инг. “create ” – яратиш, “creative ” яратувчи, ижодкор) индивиднинг янги ғояларни ишлаб чиқаришга тайёрликни тавсифловчи ҳамда мустақил омил сифатида иқтидорлиликнинг таркибига кирувчи ижодий қобилияти маъносини ифодалайди. Шахснинг креативлиги унинг тафаккурида, мулоқотида, ҳис-туйғуларида, муайян фаолият турларида намоён бўлади. Креативлик шахсни яхлит ҳолда ёки унинг муайян хусусиятларини, зеҳни ўткирликни тавсифлайди. Шунингдек, креативлик иқтидорнинг муҳим омили сифатида акс этади.

Америкалик психолог П.Торренс фикрича, креативлик муаммо ёки илмий фаразларни илгари суриш; фаразни текшириш ва ўзгартириш; қарор натижаларини шакллантириш асосида муаммони аниқлаш

Педагогнинг креативлик сифатларига эга бўлиши унинг шахсий қобилиятлари, табиий ва ижтимоий қувватини касбий фаолиятни сифатли, самарали ташкил этишга йўналтиради.

Ўқитиш жараѐнида ўқувчиларнинг ижодий ва креативлик қобилиятларини ошириш муаммоси мураккаб ва кўп қиррали. Шунинг учун таълим олувчиларнинг илмий-назарий ва амалий билимларини оширишда уларнинг миллий ҳунармандчиликка ва ўқув фанларига бўлган қизиқиши ва қобилиятини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Айниқса ўқитиш жараѐнида ўқувчиларнинг ижодий ва креативлик қобилиятларини ошириш ва уларнинг амалий кўникма, малакаларини шакллантириш учун таълим жараёнига юқори даражали малакага эга бўлган педагоглар ҳамда қобилиятли ва моҳир мутахассисларни жалб қилиш, уларни ҳам ишлаб чиқаришнинг замонавий технологияси ва уларнинг ишлаш механизмлари билан таништириш зарур.

Сўнги йиллар мобайнида умумий ўрта таълим мактабларда, дарс жараёнларининг ташкил этилиши, бу жараёнда асосан ўқитувчининг (педагогнинг) роли муҳим қилиб белгилаб қўйилди. Одатда ўтилган мавзу ўқувчилардан сўраб мустаҳкамланади, янги мавзу ўқитувчи томонидан тушунтирилади, янги мавзуни мустаҳкамловчи амалий машқлар бажарилади ва уйга вазифа берилади. Бир қараганда ўтилган мавзу янги мавзунинг тушунтирилиши ўқувчи онгида янги билим ва кўникмаларнинг пайдо бўлиши меъёрий ҳолат бўлиб кўринади. Аслини олганда бу бир томонлама ривожланишдир, негаки ўқитувчи ва ўқувчининг маълум бир режа асосида иш олиб борилаётгани кўзга ташланади. Бу қолиб ўқувчи ва ўқитувчининг руҳий барқарор тасаввурида бўлиб ўрнашиб қолган, гўё ўқитувчи ўз олдига қўйган мақсадга эришган, яъни янги мавзуни ўқувчига етказган ва ўқувчида ҳам худди шундай тушунча шаклланади, яъни ўқувчи ҳам янги мавзуни тушунганидек қониқма хосил қилади.

Масалани бошқа томондан кузатадиган бўлсак бу ҳолат билим бериш ва билим олишнинг қотиб қолган кўринишидир. Энди масалага бошқа томондан ёндошиш усулини кўриб чиқсак, яъни дарс жараёнида ўқитувчининг ролини бироз оширсак. Масалан: дарснинг ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш ва ўрганган билимларини сўзлаб бериш жараёнини ўрганилган мавзу ва унга яқин бўлган бошқа бир ҳали ўрганилмаган, аммо бироз ўйлашга мажбур қиладиган мавзуни ёнма-ён қўйиш, ўқувчидан бу иккала мавзу юзасидан фикр-мулоҳазаларини айтишни сўраб, ўқувчида қиёслаш, тахмин-фараз ва ўз фикрини эркин билдириш вазиятини юзага келтирамиз. Синф ўқувчиларининг ҳар

бирида турли ғоя ва фикрлар пайдо бўлади. Ҳар бир ўқувчининг фикри инобатга олиниб, фикрлар ўзаро қиёсланади. Саралаб олинган фикрлар ўқувчилар муҳокамасига қўйилади. Ана шу вақтда ҳар бир ўқувчи онгида изланиш ва ижодий ёндошиш ҳолатлари юзага келади. Ўқувчи тасаввурида янги бир ҳолат ва бу тушунчанинг турли қирралари намоён бўлади. Ўз-ўзидан ўқувчиларни бир-бири билан мулоқотга киришиш, фикр алмашиш ва ўйлаб кўриш жараёни юзага келади. Энди дарснинг кейинги босқичи янги мавзуни тушунтириш жараёнида бевосита фикрларни ўтилган мавзу билан боғлаш, янги мавзу ҳақида бирламчи маълумотларни бериб, мавзунинг асосий мазмунини очиб берувчи кулминацион нуқтасида ўқувчилардан ўз фикрларини сўраш, вазиятга кириб боришнинг 3-4 усули мисол тариқасида келтирилади. Масалан: ўқувчи технология дарсида халқ амалий санъат турларидан бири зардўзлик асосида дастурхонда юмшоқ салфеткалар қўйиладиган қолипларни тикиш усули мисолида кўриб чиқсак. Масалан, ушбу қолипларнинг безаги сифатида кўза, анор, қалампир, минора ва хоказо суратларни қўямиз. Ўқувчи ўзининг топқирлиги ва диди орқали ушбу қолипларни тайёр ҳолатини кўз олдига келтириб, ушбу суратлардан бирини қолипга безак сифатида танлайди. Энди ўқувчи бошлаган ишини тез ниҳоясига етказиш ва натижасини кўришга шошилади. Албатта бу жараёнда ўқитувчи четда қолмаслиги керак. Ўқитувчи ўқувчининг танлови қанчалар тўғрилигини ёки қайсидир жойларида мавзудан бироз четга чиқиш ҳолатларини айтиб, ўз фикрини билдириб турмоғи керак. Энди ўқувчи жараённинг асосий иш олиб борувчиси сифатида ўзини хис қилиб излана бошлайди. Изланиш жараёнида ўқувчи янги маълумотларга дуч келади. Ушбу маълумотлар бевосита ўқувчи олдин ўтган мавзулар билан боғлиқ бўлиши, ўтилган мавзуларга доир янги фикр ва ғоялар пайдо бўлганлигини ҳам ҳисобга олмоқ лозим. Энг муҳими ўқувчида ўзига бўлган ишонч бир карра ошади, онгидаги айрим уйқудаги йўналишлар аста-секин уйғона бошлайди.

Ўқитувчи ва ўқувчи ҳамкорлиги маҳсули бўлмиш қолиплар тайёр бўлганда махсулотнинг афзаллиги, ижобий хусусиятлари, хато ва камчиликлари дарров кўзга ташланади. Ўқувчи ўз ижодининг махсулидан завқланади, руҳиятида яратувчанлик хусусияти ривожлана бошлайди. Ўз ишидан қониқиш, ижодий махсули асносида янги ғоя ва фикрлар пайдо бўла бошлайди. Мана шу вазият энг муҳим вазия саналади. Биринчидан, ўқувчида ўзига бўлган ишонч ортади, дунёқарашида қизиққан соҳасига мехр уйғонади. Бу хатти-ҳаракати туфайли ўқувчилар ўртасида соғлом рақобат пайдо бўлади. Бошқа ўқувчиларда ҳам фикрий изланиш, нимадир яратиш ва бундан эстетик завқланиш ҳисси пайдо бўлади. Энг муҳими , энди ўқувчи оддий ўқувчидан ижодкор ўқувчига айланади. Энди у атрофидаги ҳар бир нарсага ижодий назар ташлай бошлайди. Оддий нарсалардан ўзгача, ўзига хос янгиликлар ярата бошлайди. Юмшоқ салфетка қолипларининг бошқа вариантлари кўз ўнгида гавдалана бошлайди. Изланиш жараёнида ўқувчи фаолиятида ўз-ўзидан фанлар аро боғлиқ юзага келади. Математик хисоблар математика фани билан, турли чизмалар, расм ва чизмачилик фани билан рангларни танлаш жараёнида биология ва география фанларига оид маълумотларни ўрганишга тўғри келади. Ўқувчининг эстетик диди ошади. Дарс жараёнида ўқувчи ўзи яратган нарсасини тарифлаш вақтида унинг бир неча хусусиятлари юзага чиқади.

1. Ўз фикрини баён қилиш.
2. Ўз иқтидорини намойиш қила олиш.
3. Ўзининг шахсий фикрлари ва қарашлари борлигини айта олиш.
4. Ушбу ишлари орқали ўзгаларга таъсир қилиш.
5. Энг асосийси ўз ишидан қониқиш ва завқланиш.

Ушбу хусусиятлар аста секин ривожлана бориш жараёнида ўқувчи дарсни оддий

бир сабоқ ёки ўрганиш вақти деб эмас, ижодий вазият деб қабул қилишга олиб келади.

Ўқувчи ўз-ўзидан ижодкор бўлиб қолмайди. Унинг ижодкорлик қобилияти маълум вақт ичида изчил ўқиб-ўрганиш, ўз устида ишлаш орқали шакллантирилади ва у аста- секин такомиллашиб, ривожланиб боради. Ҳар қандай шахсда бўлгани каби ўқувчиларнинг креативлик қобилиятига эга бўлишлари учун мактаб таълими жараёнида пойдевор қўйишни ташкил этиш ва изчил ривожлантириб бориш керак.

Хулоса қилиб шуни баён этиш мумкинки Бунда ўқувчининг ўзини ўзи ижодий фаолиятга йўналтириши ва бу фаолиятни самарали ташкил эта олиши муҳим аҳамиятга эга. Ўқувчиларда ижодий фаолиятни ташкил этишда муаммоли масалаларни ечиш, муаммоли вазиятларни таҳлил қилиш, шунингдек, мустақил ижод маҳсулотларини яратишга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Адабиётлар:

1. Torrance, E.P. Torrance Tests of Creative Thinking. – Scholastic Testing Service,Inc.2004.
2. Yakubova M. (2020). Ta'lim-tarbiya jarayonida kreattif yondashuvning dolzarbligi va uning ahamiyati. Xalq ta'limi, 3(1),84-88. б.
3. Файзуллаева Н. Педагогик билимлар – ўқитувчи касбий маҳоратининг назарий асоси //Uzluksiz ta'lim ж. – Т.: 2006. 6-сон. –102-б.
4. M. Y. Yakubova. Teacher of Chirchik State Pedagogical Institute (ARES) VOLUME 1 ISSUE 3 ISSN:2181-1385 www.ares.uz 11.2020й № 1057-1062.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада умумтаълим мактаблари ўқувчиларида креативликни шакллантиришнинг йўналишлари, шунингдек шахсда креативлик қобилиятини ривожлантириш аҳамияти ёритилган.

РЕЗЮМЕ

В статье описаны направления формирования творческих способностей у школьников средней школы, а также важность развития творческих способностей у личности.

SUMMARY

The article emphasizes that the formation of creative abilities in schoolchildren is one of the priorities, as well as the importance of developing creative qualities in a person.

# ЎҚУВ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ АМАЛИЁТЛАРИ ИНТЕГРАЦИЯСИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ДИДАКТИК ТАМОЙИЛЛАРИ

***Байметов М.М.***

*Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти“Спорт ва чақириққача ҳарбий таълим” факультети “Технологик таълим” кафедраси ўқитувчиси*

**Таянч сўзлар:** интеграция, тамойиллар, психологик хусусиятлар, дидактика, илмийлик тамойили.

**Ключевые слова:** интеграция, принципы, психологические свойства, дидактика, принцип научности.

**Keywords:** integration, principles, psychological properties, didactics, the principle of science.

Дидактик тамойиллар таълим жараёни қонуниятлари, мазмуни ва методларини белгилаб берувчи ўқитиш принцип-ларидир. М.Н.Скаткиннинг таъкидлашича, ўқитиш тамойили ўқитувчи ва ўқувчининг бир мақсадга йўналтирилган хамкорлиги хамда шу хамкорлик натижасида кўзланган мақсадга эришиши-дир. Ўқитувчининг касб маҳорати, ўқувчининг ўрганувчан фаолиятини бир қолипга солиб, мақсадга эришишини таъминлай-диган қоидалар таълим жараёнида дидактик тамойиллар моҳияти-ни ташкил этади.